

МАЪРИФАТПАРВАР ШОИР МУТАФАККИР ИСХОҚХОН ЖУНАЙДУЛЛАХЎЖА ЎҒЛИ ИБРАТ

Тайёрлади: Наманган тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

Маликахон Давранова

Аннотация:

Ушбу мақолада Ўзбек маданияти, маърифат ва адабиёти тарихини чуқур ўрганиш мақсадида ўз жонини юрт истиқболи йўлида фидо қилишга қодир маърифатли зиёли ватандошларимиз қаторида бўлган Исҳоқхон тўра Ибрат ҳақида маълумот олишингиз мумкин.

Исҳоқхон Ибрат - миллий уйғониш даврининг фаол ижодкорларидан бири, серқирра истеъдод соҳиби, забардаст тилшунос, маърифатпарвар шоир, илк ўзбек матбаачиларидан бири.

Мухтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ўзбек халқининг тараққий этишида фидойилик кўрсатган ҳамюртимиз Исҳоқхон Ибратнинг эзгу ишларини давом эттириш йўлида бошланган ташаббус тарихий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Бу борада Наманганлик шоирлар ижодини ўрганиш, асарларини нашрга тайёрлаш ҳам мустақиллик туфайли эришилган имкониятлар самарасидир. 20 аср бошларида яшаб ижод этган шоирларимиз ўзига хос фидойилик билан қалам тебратишган. Чунки бу давр ижодкорлар ўзбек халқининг эрки ва кадр-қимматини сақлаган ҳолда илм-маърифатни юксалтириш орқали юрт кеелажагини яратиш орзусида ҳаётларини хатарга қўйиб бўлсада, истиқлол учун курашга чақиришгача бўлган йўлни босиб ўтишди.

Исҳоқхон Ибрат 1862 йили Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида туғилган. Унинг ота-онаси Жунайдуллахўжа ва Ҳурибиби ўз даврининг анча саводли кишилари бўлган. Исҳоқхон дастлаб онасининг қўлида саводини чиқариб, кейин ҳижо усулига асосланган маҳалла мактабида ўқиди. Онаси Ҳурибиби мактабдор бўлиб, ўз мактабида қизларга ёзиш ва хуснихатни ўргатар эди. Шунинг

учун ҳам Исҳоқхон ўз асарларида онасини устози сифатида кўп таърифлайди. Адабиёт ва санъатга ихлоси баланд Исҳоқхонни ўқишни давом эттириши учун Қўқонга юбордилар. У 1878-1886 йиллари Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасида ўқийди. Ўша даврларда Қўқон адабий муҳитининг йирик намояндалари Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодим, Ҳазинийлар билан яқин муносабатда бўлган, адабий мушоираларда иштирок этган. Кейинроқ Қўқонга бориб мадрасага ўқишга киради. Исҳоқхон Ибрат 1886 йилда мадрасани тугатиб, Тўрақўрғонга қайтиб келади. У ўз фаолиятини педагог сифатида қишлоқда маърифат тарқатиш билан бошлади. Ўша йили эски маҳаллий мактаблардан анча фарқ қилувчи янгича мактаб очади.

Исҳоқхон Ибрат 1862 йили Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида туғилган. Унинг ота-онаси Жунайдуллахўжа ва Ҳурибиби ўз даврининг анча саводли кишилари бўлган. Исҳоқхон дастлаб онасининг қўлида саводини чиқариб, кейин ҳижо усулига асосланган маҳалла мактабида ўқиди. Онаси Ҳурибиби мактабдор бўлиб, ўз мактабида қизларга ёзиш ва хуснихатни ўргатар эди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон ўз асарларида онасини устози сифатида кўп таърифлайди. Адабиёт ва санъатга ихлоси баланд Исҳоқхонни ўқишни давом эттириши учун Қўқонга юбордилар. У 1878-1886 йиллари Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасида ўқийди. Ўша даврларда Қўқон адабий муҳитининг йирик намояндалари Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодим, Ҳазинийлар билан яқин муносабатда бўлган, адабий мушоираларда иштирок этган. Кейинроқ Қўқонга бориб мадрасага ўқишга киради 1901 йилда араб, форс, хинд, турк, ўзбек ва рус сўзларидан таркиб топган «Луғати ситта-алсина» («Олти тилли луғат») асарини босмадан чиқаради. Мазкур луғат жадид мактабларида шарқ ва рус тилларини ўрганишда бирдан бир қўлланма сифатида фойдаланиб келинди.

Исҳоқхон Ибрат 1912 йилда ёзувлар тарихига бағишланган, асарида лотин, юнон, хитой, хинд, араб, Кирилл ёзувининг келиб чиқиши, ривожланиш тарихи ҳақида маълумот берилган «Жомеъ ул-хутут» («Ёзувлар мажмуаси») асарини яратди ва ўз матбааси «Матбааи исҳоқия»да босмадан чиқарди. Ибрат чин қалбдан ўз

халқининг илмий, маърифатли бўлишини истади. Кейинги 20-йил ичида 14 та илмий-тарихий, лингвистик асар ёзди. 30 йиллик поэтик ижодининг мажмуи бўлмиш «Девони Ибрат» шеърлар тўпламини тузди. Тарихшуносликка оид «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият» ва «Мезон уз-замон» илмий асарларини яратди. Исроҳон Ибрат «Туркистон вилояти газети», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» газ. ларига ёзган мақолаларида фан, маърифат ва маданиятни тарғиб этган.

. Чет эл ҳаёти ва маданияти билан яқиндан танишишни истаган Исроҳон Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарга отланди. Жидда, Истанбул, София, Рим каби Европанинг марказий шаҳарларида бўлди. Анча вақт Афғонистоннинг Кобул, Арабистоннинг Жидда шаҳрида яшади. Макка шаҳридан Қизил денгиз ва Ҳинд океани орқали Ҳиндистонга келди. 1892-1896 йилларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарларидан Бомбей ва Калкуттада яшади. Бу ерда кўп ишлатиладиган арбаъ лисон, яъни тўрт тилни: араб, форс, ҳинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганди. 1896 йили Ҳиндистондан Бирма орқали Хитойга, сўнгра Кошғарга ўтади ва Наманганга қайтиб келади. Чет элдан қайтгач, олти тилни ўз ичига олган “Луғати ситта алсина” (“Олти тилли луғат”) асарини ёзди. Асар анча қийинчиликлар билан 1901 йили Тошкентда Ильин босмахонасида chop этилди. Илғор педагог сифатида 1907 йилда ўз уйида янги усулдаги мактаб очди. Унда 30 нафар қишлоқ болаларини ўқитди.

1907 йили Ибрат Оренбургга боради ва Ризо Фахриддиннинг “Шўро” журнали фаолияти билан танишади. У Оренбургда Гауфман деган матбаачидан пулини ўн йил мобайнида тўлаш шарти билан 1901 йилда чиққан литоографик машина сотиб олади. Исроҳон литоографик машина ва ҳарфларни катта машаққатлар билан Оренбургдан Қўқонга поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келади. 1905 йили ўзи қурдирган ҳаммом ўрнида босмахона ташкил қилади ва “Матбааи Исроҳия” номи билан ишга туширади.

Исроҳон Ибрат жаҳон илми ва маданиятида яратилган ҳар бир илғор янгиликдан ўз халқини баҳраманд этишга ҳаракат қилди. 1908 йили ташкил қилинган “Фотографияи Исроҳия”, 1910 йили Тўрақўрғон аҳолиси учун бунёд

этилган истироҳат боғи буни тасдиқлайди. У отасидан қолган катта ерни гулбоғ қилди. Фаввора қурдирди. 150 туп манзарали дарахтлардан хиёбон яратди. . Европа услубида катта иморат қурдириб, унинг аркига “Хуш келибсиз, Исҳоқия боғига” деб ёздириб қўйди. Тўрақўрғон аҳли ҳозирги кунда ҳам бу боғни шу номда атайд.

Исҳоқхон Иброт 1897-1924 йилларда узлуксиз Тўрақўрғон қозиси лавозимида фаолият кўрсатиб адолатни, ҳақни рўёбга чиқишида анча хизмат қилди.

Иброт - истеъдодли шоир. У уч – ўзбек, форс ва араб тилларида эркин ижод қилган. Ўз шеърларини тўплаб девон тузган. Аммо мазкур девон бизгача етиб келмаган. Шунга қарамай, шоирнинг катта ҳажмдаги шеърлари вақтли матбуотда босилиб чиққан, баёзларга киритилган. Иброт ўз шеърларининг кичик қисмини 1909 йили ўз матбаасида босмадан чиқарган. Бундан ташқари жаҳон ёзувлари тарихига бағишланган “Жомеъул-хутут” (“Ёзувлар мажмуаси”) асарларини яратди. Олимнинг мазкур асари катта ҳажмда - 132 бетдан иборат бўлиб, 1912 йилда ўзининг босмаҳонаси “Матбааи Исҳоқия” томонидан нашр қилинди. Бундан ташқари муаррих сифатида “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезонуз-замон” илмий асарларини яратди. Исҳоқхон Иброт 1897-1924 йилларда узлуксиз Тўрақўрғон қозиси лавозимида фаолият кўрсатиб адолатни, ҳақни рўёбга чиқишида анча хизмат қилди.

Маърифатпарвар шоир 1913 йилда ўз уйида анчагина бой кутубхона ташкил қилади ва уни "Кутубхонаи Исҳоқия"деб номлайди. Кутубхонадаги 50 дан ортиқ дарслик ва қўлланмалар ҳамда таълим –тарбия ва ўқитишга оид ўзбек рус, татар,форс, тожик тилларидаги кўплаб китоблардан нафақат Ибротнинг ўзи балки бутун қишлоқ аҳолиси унумли фойдаланган.

Минглаб зиёлиларнинг ёстиғини қуритган қатағоннинг даҳшатли кезлари – 1937 йилнинг илк баҳорида Исҳоқхон Иброт ҳам қамокқа олинди. Кексалик сабаб ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобларга дош бера олмади, Суд ҳукмигача ҳам етиб келолмасдан қамокхонада икки ой ётиб, ҳаёт билан видолашди.Қатағон қурбони бўлган зиёлиларимиз каторида Иброт ҳам 1959 йилда оқланади.

Мустақиллик йилларидан сўнг Ибрат ҳаёти ва ижодига катта эътибор қаратилди. 2005 йилда унинг катта ҳажмда педагогик ҳамда адабий, илмий асарлари нашр этилди. 2017 йилда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида Исҳоқхон Ибрат номидаги барча замон талабига мос келувчи ижод мактаби о Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 14-ўрта мактаб ҳам Исҳоқхон Ибрат номи билан номланди. Тошкентдаги бир кўчага Исҳоқхон Ибрат номи берилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Қозоқов Т,Воҳидов А, Рўзинов Б “Ибрат нигоҳидаги Аҳсикент”
- 2.Аҳмадалиева Л, Қорабоев Э.”Қатағонлик наманганликлар тақдирида”
- 3.Исҳоқхон тўра Ибрат,Фарғона тарихи-Тошкент Камалак-1991 йил